2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 146 (146), 2020 йил 6 август, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

**Замонавий ёндашувлар**



**Зоҳиджон ЗИЯЕВ,**
Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари

**БМТ маълумотларига кўра, бутун дунё бўйича аҳолининг 50 фоизи кичик ва ўрта бизнес субъектларида фаолият юритяпти, давлатларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларида уларнинг улуши сезиларлидир.**

# ЯНГИ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТ

## давлат статистика қўмитаси веб-сайтида иш бошлади

Мамлакатимизда ҳам иқтисодиётнинг мазкур бўғинини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда. Кейинги йилларда бу соҳадаги тизимлиислоҳотлар натижасида тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш жараёни 15 дақиқагача қисқартирилди, талаб этиладиган ҳужжатлар сони камайтирилди ва уларни онлайн расмийлаштириш имкони яратилди. Бу, ўз навбатида, тез ва қулай шаклда, айниқса, ҳозирги коронавирус пандемияси даврида уйдан чиқмаган ҳолда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга шароит яратиб беряпти.

Статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда 433 мингта корхона ва ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 370 мингтаси кичик бизнес субъекти эканини инобатга оладиган бўлсак, бу жами корхоналарнинг 85,4 фоизи

Президентимизнинг 2018 йил 18 июлдаги "Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг "Бизнесни юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, интернет тармоғи орқали юридик шахс тўғрисидаги асосий маълумотлардан эркин фойдаланиш имкони яратилди.

Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайтида йўлга қўйилган мазкур интерактив хизмат орқали фойдаланувчилар юридик шахслар солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамини (СТИР) киритиш йўли билан маълумотларни бепул олиш имкониятига эга бўлдилар. Унга корхонанинг номи, идентификация рақами, рўйхатга олинган санаси, ташкилий-ҳуқуқий шакли, манзили, корхона раҳбари ва муассислар (уларнинг улушлари кўрсатилган ҳолда) тўғрисидаги маълумотлар киради.

# Юридик шахс тўғрисида 20 турдаги маълумотлар юритилади



## Раҳбарият ҳақида маълумот

- Раҳбарининг исм-шарифи
- Раҳбарининг СТИР рақами
- Таъсисчилари ҳақида маълумот
- Корхона устав фонди



## Иқтисодий маълумотлар

- Фаоллик ҳолати
- Иқтисодий фаолият умумдавлат таснифлагич коди,
- Ташкилий-ҳуқуқий шакли,
- Давлат бошқаруви идораларини белгилаш тизими
- Кичик тадбиркорлик субъектига мансублиги



## Умумий маълумотлар

- Юридик шахс номи
- Солиқ тўловчининг идентификация рақами
- Давлат рўйхатидан ўтказилган рақам\санаси
- Рўйхатдан ўтказувчи орган



## Алоқа маълумотлари

- Манзили: шаҳар, кўча, уй, хонадон
- Электрон почта манзили
- Телефон ва факс рақами
- Маъмурий-ҳудудий объектларни белгилаш тизими коди

мазкур сектор вакилларига тўғри келишини кўрсатади. Ўтган йилнинг шу даврида мазкур кўрсаткич 83,3 фоизга тенг бўлган. Бу республика бўйича ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сонининг ўсиш суръатига нисбатан янги шакллантирилаётган кичик корхона ва микрофирмалар жадалроқ ривожланаётганидан далолат беради.

2020 йил 2-чорак якунининг дастлабки маълумотларига кўра, кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 51,3 фоизни ташкил этиб, улар сони ҳар 1 000 аҳолига 14,4 бирликка тўғри келади. Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида 16 588 та (35,6 фоиз), саноатда 9 713 та (20,9 фоиз), қурилишда 3 302 та (7,1 фоиз), қишлоқ ва балиқ хўжалигида 8 525 та (18,3 фоиз) ҳамда яшаш ва овқатланиш соҳасида 2 460 тани (5,3 фоиз) ташкил этди.

Тадбиркорликни бошлаш ва самарали йўлга қўйишнинг асоси пухта ўтказилган маркетинг ўрганишлари ҳисобланади, режалаштириш ва бозорга оид ахборотларни тўплаш эса бу маркетингнинг асосий тамойилларидан биридир. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларининг кундан-кунга кўпайиб ва таркибининг ўзгариб бориши бозор коньюнктураси ва ундаги иштирокчилар ҳақида энг зарур маълумотларга эга бўлишни тақозо этмоқда. Бу жараёнсиз бизнесда муваффақиятга эришишнинг деярли имкони йўқ.

Шуни инобатга олган ҳолда, Қайд этиш жоиз, авваллари талабгорларнинг бундай мурожаатлари хат орқали амалга оширилиб, уни кўриб чиқишга бир неча кун сарф қилинган бўлса, интерактив давлат хизматларининг такомиллашуви натижасида ҳозир бу турдаги маълумотларни online режимда амалга ошириш мумкин.

Рақамли иқтисодиёт ривожланиш жараёнида экан, маълумотларни олишда тезкорлик ва сифат ошишига бўлган талаб ҳам ортиб боради. Корхона ва ташкилотлар маълумотлар базаси платформасини такомиллаштириш — бу кейинги босқичдаги масаладир.

Ҳозирги кунда Давлат статистика қўмитаси Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотлар маълумотлар базасини юритиш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш лойиҳаси устида иш олиб боряпти.

Тизимнинг замонавий талабларга мос янги web интерфейси яратилиши мавжуд юридик шахслар билан бирга, якка тартибдаги тадбиркорлар, филиаллар ва таркибий бўлинмалар тўғрисидаги маълумотлар юритилиши, тадбиркорлик субъектининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари кенгайтирилиши янги имкониятлар ва чуқур статистик таҳлиллар ўтказишда ёрдам беради. Шунингдек, корхоналар ва ташкилотлар маълумотлар базасининг такомиллаштирилиши корхонанинг турли параметрлари асосида иқтисодиётни анализ қилиш ҳамда иқтисодий статистик маълумотларни ўзгартиришни кузатишга имкон яратади.